

Шарқ филологияси факултети
5A120101 – Адабиётшунослик
(шарқ тиллар ва тадқиқот йўналишлари бўйича)
Мутахассислиги 2-курс магистранти
Собирова Нодирабегим Сарвармурод кизи
Илмий раҳбар: проф.Мухтаров Т.А.

Мумтоз япон романи

Мумтоз роман япон адабиётининг ғурур ва ифтихоридир. Япон тилида роман моногатари деб номланиб, бирор бир воқеа тўғрисида баён қилишдир. Моногатари¹-кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўзида бадиий насрнинг кўплаб жанрларини қамраб олади, масалан: новелла, қисса, роман, эртаклар ва афсоналар. Роман Хеян²(IX-XII) даврида вужудга келган бўлиб, ўша даврда Япониянинг пойтахти Хеян (ҳозирги Киото) шаҳри эди. Хеян даврининг энг сара романлари нафақат ўзининг она юртида мутолаа қилинади, балки бошқа халқларнинг тилига ҳам таржима қилинган ва улар бизнинг давримизда дунёнинг мумтоз шоҳ асарлари олтин фондига ҳам кирган³.

Бизга биринчи бўлиб, етиб келган япон романи бу “Қария Такетори ҳақидаги қисса” бўлиб, қиссанинг қачон яратилгани аниқ эмас. Лекин XI асрнинг бошларидаёқ уни “барча романларнинг отаси” деб ҳисоблашган. Шубҳасиз қисса IX аср охирлари X аср бошларида вужудга келган.

¹ “Моногатари” сўзи япон тилидан таржима қилганда, бирор нарса ҳикоя, қисса деган маъноларни билдириб, Хеян даври япон зодгонлар адабиётида яратилган насрнинг асосий жанридир.

² Хеян даври – Япония тарихидаги IX-XII (794-1185 йиллар) асрларни ўз ичига олади. “Хеян” сўзи япон тилидан таржима қилинганда, “тинчлик” ва “осойишталик” деган маъноларни билдиради. Бу ном жой номи сифатида юритилиб, Япониянинг Нарадан кейинги иккинчи қадимий пойтахти бўлган.

³ В. Маркова, И.Львова “Старинные Японские повести”. “СВЕРО-ЗАПАД ПРЕСС”. Санкт-Петербург 2003. С 5

“Такетори моногатари” япон ёзувчилари учун ўз она тилида чет эл сюжетларидан фойдаланиш ва қайта ишлаш йўлини очиб берди. X аср бошлари - XI асрларда бизгача етиб келмаган 30 дан ортиқ қиссалар ёзилган⁴.

Бундан анча кейинроқ X асрнинг иккинчи яримида “Соҳибжамол Отикубо ҳақидаги қисса” бутун дунёга машҳур “қаҳри қаттиқ ўғай она ва ўғай таъқибчи ” сюжети асосида ёзилган асар вужудга келди.

Аммо, қандай қилиб, анча олдин олис япон оролида бундай ажойиб роман вужудга келиши мумкин?

Бу саволга жавоб топиш учун озгина бўлса ҳам қадимги япон маданияти билан танишиб чиқиш лозим.

Қадимги Япония мамлакати Корея, Хитой ҳамда Ҳиндистон маданияти таъсири остида бўлган, ҳаттоки шу маданиятлар орқали юнон, форс, византия цивилизацияларининг акс садоси оз бўлса ҳам етиб келган.

Япония IV- VII асрлардаёқ Кореянинг учта йирик қадимги давлатлари: Когурё, Пэкче ва Силлалар билан маданий ва савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатган, У ердан Японияга шойи ва янада керакли нарса шойи пилласи, отлар ва қадимги Японияда маълум бўлмаган ҳайвонлар ва қушлар, уй-рўзғор буюмлари олиб келинган.

Япония VI-IX асрларда Хитой цивилизациясининг кучли таъсири остида бўлган. VII асрнинг охирларида Хитойда – Тан империяси (608-905) номли катта марказлашган давлат вужудга келган, ушбу империя кўпгина Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ халқлари билан маданий ва савдо алоқаларини ўрнатган.

⁴ Накано Коити. “Моногатари-но нака-но Уцүхо моногатари” (Моногатари тарихида “Ковак ҳақида қисса”) *Симпэн Нихон котен бунгаку дзэнсю* қисмида. Токио Сёгакукан, 1999-2002.Т.1. С 3-8.

Қадимги япон ҳунармандларининг ишлари форс, хитой санъати, миср-араб мотивлари асосида ишлаб чиқарилган, лекин япон ҳунармандлари “денгиз орти санъати” билан илҳомланганлар, шу билан биргаликда уларнинг анъаналарига содиқ қолган ҳолда ижодий ёндошиб ўзгартирганлар. Ажнабийлар маданиятини қабул қилиш японларга хосдир, аммо улар шу маданиятга ижодий ёндошиб, буни ўзларига мослашга ҳаракат қилганлар.

Шаҳзода Сётоку (573-621) VI асрда Японияга буддизм ва будда ибодатхоналарини олиб кириб, зўр бериб сингдра бошлаган. Буддизм роҳиблари, тарғиботчилари Японияга ўзлари билан нафақат диний китобларни балки, йиллар ҳисоби бўйича илмий ишлар, астрономия ва география фанларини ҳам олиб киришганлар. Японияда буддизмга ишонувчилар оқими кириб кела бошлаган. Япониянинг маҳаллий ибодатхоналари, келиб чиқиши Ҳинд ва Хитойдан бўлган маъбудлар билан тўлиб борди.

“Қария Такетори ҳақидаги қисса” даги сеҳрли Ҳорай тоғи, яъни Пенлай – роҳат (бахт) ороли, боқий осмонда яшовчилар ва донишмандлар макони, қадимги хитой манбаларига кўра у баҳайбат тошбақа бошининг устида бўлиб, океанда сузади. Бу оролда нефритли ва дурли дарахтлар ўсади. Уларнинг меваси эса чексиз ҳаёт бағишлайди.

Ушбу афсона Гесперид боғи ҳақидаги қадимги юнон ривоятини ва ажойиб ороллар тўғрисидаги кельт афсоналарини эслатади. Бу афсоналарда бошқа дунё ҳақида жуда қадимги қарашлар акс этганга ўхшайди.

Хитойдан оловли сичқон ҳақидаги афсона кириб келган. Бу афсонага кўра Куньлунь тоғи атрофида оловли тоғлар ёнар эмиш. Олов ичида буқадан катта оқ сичқон яшар экан. У оловдан чиққач эса устидан сув қуяди ва ҳалок бўлади. Унинг терисидан мато ишлаб, сувда эмас оловда ювишар экан.

Қиссанинг қахрамони Кагуя-химэ ой фариштасидир, лекин ажойиб фаришталар тўғрисидаги афсоналар Япониядан олисда жойлашган мамлакатларда туғилган, эҳтимол кўпроқ Ҳиндистондадир⁵.

А.А. Холодовичнинг “Такетори моногатари” тўғрисида ёзишича: “Бу новелладаги деярли барча сюжет элементлари хитой адабиёти манбаларидан ўзлаштирилган, балки, Хитой орқали Ҳиндистондан ҳам.”⁶

Осиёнинг буюк цивилизацияларининг таъсири ёш япон маданиятининг ривожига ёрдам берди. Ўзларининг япон адабиёти вужудга келди. Таъсвирий саънатда “Ямато-э” япон мактаби вужудга келди. Оригинал ҳайкаллар пайдо бўлди, ҳунармандчилик ривож топди. Аммо, япон халқининг бутун ўзига хос ақллари битта ягона синф хизматига қўйилган эди, яъни асосан пойтахтда, император саройи яқинида яшайдиган зодагонларгаларга.

Катта ва кенг кўчали қадимги япон пойтахтлари Нара ва Хеян (ҳозирги Киото) Тан давлатининг пойтахти Чанъанъ наъмунасида қурилган. Чанъанъга тақлид қилган ҳолда ҳар бирининг шимолий қисмида ҳашамдор император саройлари қурилган. Хитойнинг давлат тузилиши, унинг илмий тараққиёти адабиёт ва саънати ёш япон давлати учун сўзсиз тимсол сифатида хизмат қилган. Олий табақа оилаларнинг фарзандлари учун мактаблар очилган, академия вужудга келган, олимлар жуда қадирланганлар.

Лекин Хеян аристократияси худди сув устидаги юпқа музга ўхшайди. Оддий халқ ва унинг ўртасида катта фарқ бор эди. Зодагонлар (кугэ) ўзларининг хўжалигини бошқармас, давлат ишлари билан шуғуланмас ва зарурият бўлмаса пойтахтдан чиқмас эдилар. Пойтахтдан ажралиш улар учун аянчли бахтсизликдек туюлар эди. Бу роҳатланишни улар гўзаликдан

⁵ В. Маркова, И.Львова “Старинные Японские повести”. “СВЕРО-ЗАПАД ПРЕСС”. Санкт-Петербург 2003. С. 9

⁶ Холодович А. А. “На грани мифологии и литературы”, вступительная статья к переводу “Дед Такетори(Японская сказка IX в.)”, в изд.: Восток. Сборник первый. Литература Китая и Японии. М., 1935. С. 53

бахраманд бўлишда, хар хил рангларда бачканалик ва кўрсликдан халос бўлишда акс этарди.

Мана шундай руҳда Хеян маданияти ривож топди. Бу маданиятни таназулга учрашидан анча олдин хеянликлар, “нарсаларнинг ҳомуш мафтунлиги тўғрисида” гапиришни яхши кўрар эдилар. Бу ер юзидаги борлиқнинг охиригача ўқилмаган сир синоати ҳақидаги буддизимнинг таълимотига жавоб берар эди ва айна дамда ҳозир йоқолиб кетадиган нарсанинг гўзалигини янада кучлироқ ҳис этишга мажбур этарди.

Хеян маданиятида бошиданок жаҳолат уруғлари бор эди, чунки у тор доирадаги маданият ҳисобланган.

“Соҳибжамол Отикубо ҳақидаги қисса” ўша даврдаги зодагонлар саройидаги мисли кўрилмаган ҳашаматни тасвирлайди. Асарнинг асосий қисми ўша даврнинг задогонларига тегишли бўлган санъат асарларини баён этади. Бу даврда санъат асарларини ибодатхоналарга ҳайрия этиш одат бўлган, натижада асрлар давомида мисли кўрилмаган хазиналар йиғилиб борган.

Наво ва назмга катта қизиқиш бўлган. “Соҳибжамол Отикубо ҳақидаги қисса” ўзининг севимли қаҳрамонларига мусикий истедод инъом этган: улар флейта ва цитра асбобларини чалганлар.

“Соҳибжамол Отикубо ҳақидаги қисса” Хеян ҳаётини идеаллаштиради, аммо муаллиф ўзининг ихтиёридан чиққан ҳолда Хеян ҳаётидаги салбий томонларни очиб беради. Императорнинг севимли аёлининг акаси, мамлакатдаги ҳукумронликни ўз қўлига олиб, оиласининг манфаати йўлида бошқаради. Бу эса тарихий ҳақиқат! Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Япония бошида узок вақт қудратли Фудзивара сулоласи турган, императорга(микадо) ўз таъсирини ўтказиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаган.

Ғоятда нафис ва мафтункор хеян маданияти аста секинлик билан асл ҳаётдан узоқлашган ҳолда тааназулга юз тута бошлаган. Саройдан ташқаридаги ҳаёт эса жаҳолат ботғоғига ботар эди. Дехқонларнинг сарой

солиқларидан тинкаси қуриган, уларнинг хўжайинлари эса худди худодек узоқ бўлиб, хўжаликларда кўринишмас эди. Аста секин хеян ҳокимияти бошқарувни қўлдан бой берди.

Сарой зодагонлари қишлоқ ичида пайдо бўлган янги кучга бардош бера олмадилар. XII асрда ҳукумат оми, қўпол ҳарбий феодаллар қўлига ўтди. Мамлакат анча вақтгача ички уруш ҳолатида қолиб кетди.

Аммо, биринчи япон романлари ёзилган (IX-X) вақтда хеян маданияти юксалиш даврида эди. Шунинг учун бу романлар бахт, ёруғлик ва хурсандчиликка тўла бўлиб, қахрамонлар осонликча бахтга эришар эди.

VII асрда илк япон шеърлари, қўшиқлари, афсоналари Хитой ёзуви ёрдамида ёзилган. Япониянинг ўз ёзуви мавжуд бўлмаган, хитой ёзуви эса япон тилининг тузилишига мос келмаган ва натижада ёш япон адабиёти қийин вазиятда қолган. Қадимги япон адабиёти ёдгорликларини таржима қилиш катта қийинчиликларни юзага келтиради. Япон ёзувини осонлаштириш секин-асталик билан амалга оширилади, ва ниҳоят, япон бўғин алифбоси (кана) вужудга келади.

Мията Ваитиронинг таъсдиқлашича, япон насри эркаклар томонидан яратилган бўлиб, айнан эркаклар ўз она тилидаги алифбода ёзишни бошлаганлар ва биринчи уч та қисса (Такетори моногатари, Исэ моногатари⁷, Ямато моногатари⁸) эркаклар қаламига мансубдир. Кейинчалик ёзилган асарларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, буларнинг кўпчилиги йўқолиб кетган бўлсада, аммо уларнинг барчасини аёллар яратишмаган⁹.

⁷ Исэ моногатари-IX-X асрларда яратилган бўлиб, у 125 та кичик сарлавҳага ўхшаш танкалардан тузилган. Асарда машҳур Ариwара Нарихава деган шоирнинг қиссалари келтирилган.

⁸ “Ямато моногатари” IX-X асрларда яратилган бўлиб, шу даврдаги сарой ҳаёти ҳақида баён этилади. Асар 173 та қисқа ҳикоя тўпламидан иборат.

⁹ Мията Ваитиро. “Уцүхо моногатари” (Ковак ҳақидаги қисса), *Нихон котэн дзенсё* қисмида. Токио, 1954-1965. Т.1. С 4, 5

Накано Коити таъкидлагандек, “Гендзи моногатари” гача бўлган насрий асарларни эркак кишилар ёзган, эркак ёзувчилардан аёл ёзувчиларга ўтиш даври эса “Уцухо моногатари¹⁰” ва “Гендзи моногатари¹¹” асарлари оралиғида бўлган¹².

Аслида романнинг ўзи халқ эртаклари ва қадимги афсоналар асосида вужудга келган. Биринчи япон романларининг пайдо бўлиш вақтини аниқлаш қийин, аммо 983 йилдаги Будда афсоналари тўпламидаги сўзбошида шундай дейилган: “Ҳозирги даврда Арисо денгизининг соҳилларидаги қумлардан кўра, романлар кўпдир ”

Хеян давридаги икки юз та роман тўғрисидаги маълумотлар бугунги кунга қадар етиб келган. Шулардан бир юз саксон таси етиб келмаган.

Вақт қаттиқ саралаш қилиб, энг сеvimли, кўлдан-кўлга ўтган асарларнигина сақлаб қолди. Шулар орасида “Қария Такетори ҳақидаги қисса” ва “Соҳибжамол Отикубо ҳақидаги қисса” лар мавжуддир.

Хеян романлари расмлар билан безалган ва ипак матоларга ёзилган. Бу нарсa Хитойдан олиб келинган, лекин хитой рассомлари буддавий афсоналар сюжетига расм чизган бўлсалар, япон ёзувчилари янги жанр кашф этганлар яъни иллюстрацияли роман (э-макимоно) яратганлар. Китобни узун шойи парчасига ёзиб, уни тайокчага ўрашган. Китоб горизонтал ҳолатда очилганда кўз олдимизда нафақат матн, балки қатор расмлар ҳам намоён бўлган. Рассом ўқувчини асар давомида бир хонадан бошқа хонага, саройдан кўчага олиб борарди. Рассом мўйқалами қадимги шойи матодан тикилган кийимдаги соҳибжамолларни, кўчадаги қизиқарли ҳаётий сахналарини тасвирлар эди.

¹⁰ “Уцухо моногатари” - (Ковак ҳақидаги қисса) X асрнинг иккинчи яримида ёзилган.

¹¹ “Гендзи моногатари” – (Гендзи ҳақидаги қисса) X-XI асрларда ёзилган. Асарнинг муаллифи Мурасаки Шикибудир.

¹² Накано Коити. “Отоко-но моногатари, онна-но моногатари” (Эркакларнинг ёзган қиссаси, аёлларнинг ёзган қиссаси) *Симпен Нихон котен бунгаку дзэнсю* қисмида. Токио Сёгакукан, 1999-2002.Т.2. С. 3,4

Худди ҳозирги даврдаги иллюстрацияга бой романларга ўхшаб ўқувчиларнинг кизиқишларини кучайтирар эди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мумтоз япон романи Хеян даврида гуллаб яшнаган ва шу жанрда бир қатор яхши асарлар яратилган. Биз бу ерда олис Японияда қандай қилиб бундай ажойиб романлар вужудга келишига жавоб излашга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари япон адабиётида аёллар фаол бўлишидан аввал эркаклар ҳам бир қанча насрий асарлар ёзганлигига амин бўлдик. Хеян давридаги мумтоз япон романлари ҳозирги кунда дурдона асарлардан эканлигига ҳам яна бир бор иқдор бўлдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. В. Маркова, И.Львова “Старинные Японские повести”. “СВЕРО-ЗАПАД ПРЕСС”. Санкт-Петербург 2003.

2. Холодович А. А. “На грани мифологии и литературы”, вступительная статья к переводу “Дед Такетори(Японская сказка IX в.)”, в изд.: Восток. Сборник первый. Литература Китая и Японии. М., 1935.

3. Накано Коити. “Моногатари-но нака-но Уцухо моногатари” (Моногатари тарихида “Уцухо моногатари”) *Симпен Нихон котен бунгаку дзэнсю* қисмида. Токио Сёгакукан, 1999-2002.Т.1.

4. Накано Коити. “Отоко-но моногатари, онна-но моногатари” (Эркакларнинг ёзган қиссаси, аёлларнинг ёзган қиссаси) *Симпен Нихон котен бунгаку дзэнсю* қисмида. Токио Сёгакукан, 1999-2002.Т.2.

5. Мията Ваитиро. “Уцухо моногатари” (Ковак ҳақидаги қисса), *Нихон котэн дзенсё* қисмида. Токио, 1954-1965. Т.1.

